

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ PY04350325

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Oltiariq tumani Tibbiyot birlashmasi va “Uzbektelekom” AK o‘rtasida ishlab chiqilgan №33-sonli shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi Oltiariq tumani Tibbiyot birlashmasi “Uzbektelekom” AK o‘rtasida ishlab chiqilgan va Oltiariq tumani yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o‘tkazish uchun 2022 yil 24-yanvar kuni qayta kiritilgan.

Huquqiy xulosa: Shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonun talablariga muvofiq va uni tasdiqlab, ijroga qaratish mumkin.

Oltiariq tumani yuridik xizmat
ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti



A.Parmonov

2022 yil 24-yanvar

33 -сонли Абонент шартномаси
юридик шахсларга телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича
(юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларга)

2022 йил «28» 01

1. «Ўзбектелеком» АК номидан 2021 йил 05 январь кунги № 27-01-14/32 -сонли ишончнома асосида иш юритувчи директор В.В.Ежков, кейинчалик «Оператор» деб номланадиган бир томондан ва Мид. Биф. ресорс. асосида, амалдаги Устав (Қоида, рўйхатга олинганлик тўғрисида Гувоҳнома, ишончнома) асосида иш кўрадиган М.И. Бўлмунов бошқа томондан, кейинчалик алоҳида «Абонент» деб номланадиган, «Томонлар» ҳамкорлигида телекоммуникация хизматларини тақдим этиш бўйича қуйидагилар тўғрисида мазкур Абонент шартномаси тузилди (матн давомида - Шартнома).

1.1. Телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича мазкур шартнома имзоланган вақтдан бошлаб абонент (жумладан, минтакавий вакиллик ва филиаллар) билан иллари тузилган шартнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

2. Абонент, телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича мазкур шартномани имзолаши билан расмий сайтда эълон қилинган «Ўзбектелеком» АК оммавий офферта шартларини қабул қилади. Абонент оммавий офферта матни (Оммавий оффертанинг тўлиқ матни оператор сотувлар офисларида, оператор агентлари сотувлар офисларида ва операторнинг расмий WEB-сайтида жойлаштирилган) билан таништирилган. Абонент оператор тақдим этадиган хизматларга тегишли тўловларни амалга оширилганлигини тасдиқловчи молиявий ҳужжатни олиш учун олдиндан аванс тўловни амалга ошириши операторнинг оммавий офферта шартлари(акцептлари)ни сўзсиз қабул қилганлиги бўлиб ҳисобланади.

3. Абонент мазкур шартномани имзолаганидан сўнг, оператор унда техник имкониятлари мавжудлигини текширади. Техник имкониятлар мавжуд бўлганида, оператор шартномани ўз томонидан имзолайди ва абонентга идентификация рақамини тақдим этади. Абонентга идентификация рақами тақдим этилганидан кейин олдиндан аванс тўловни амалга ошириши мумкин. Техник имкониятлар мавжуд бўлмаганда, оператор томонидан шартномани имзоланганига қадар, мазкур ҳужжат унга телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши учун абонентнинг аризаси бўлиб ҳисобланади.

3.1. Абонентни телекоммуникация хизматларига улаш шартлари ва тарифлар (нархи) мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлган иловаларда белгиланган ва мазкур шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб кучга қиради:

- 1-илова. Кўрсатилаётган хизматлар:
 - «Мобил алоқа (телефония, маълумотлар узатиш, VAS) хизматлари тариф режаси»;
 - «Интернет (КПУ, IP телефония, VPN) тармоғига доимий корпоратив уланиш хизматлари тариф режаси»;
 - «IPTV хизматлари тариф режаси»;
 - «Виртуал хостинг» хизматлари тариф режаси»;
 - «Булутли видеокузатиш» хизматлари тариф режаси»;
 - «Умумий фойдаланиш телефония (ТФОП, PSTN) хизматлари тариф режаси».

2-илова. Ишларни қабул қилиш ва алоҳида уланишни синов(тест)дан ўтказиш далолатномаси(АКТи).

3.2. Абонент томонидан оператор тақлиф этган хизматлар рўйхатидан танловга мувофиқ томонлар бир иловани расмийлаштиришлари мумкин.

3.3. Томонлар амал қилиб турган иловалардан бирининг ўрнига янги илова имзоланган тақдирларида, томонлар мазкур шартномага қўшимча қилишув имзолаш вақтидан бошлаб охиригиси ўз кучини йўқотади.

4. Мазкур шартнома бўйича хизматлар нархи иловага мувофиқ белгиланади.

4.1. Тарифлар абонент билан шартнома тузишда ва оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида ҳисоб-китоб учун мажбурий бўлиб ҳисобланади. Хизматларга барча тарифлар миллий валютада ҳисобланади ва мазкур шартнома тузилиши вақтида ўрнатилган барча солиқ ва йиғимларни ўз ичига олади.

4.2. Шартнома нархи тақдим этиладиган хизматлар ҳажми билан мазкур шартнома 3.1 пунктида кўрсатилган иловага мувофиқ белгиланади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

Жами 149980 Биф. ресорс. асосида сўм 149980 Абонент сўм
ҚҚС билан/ҚҚСсиз, бундан 149980 Биф. ресорс. асосида сўм 149980 Абонент сўм
тўловини ўз ичига олади ҚҚС билан/ ҚҚСсиз ва
() сўм миклдорида бир маргалик тўлов ҚҚС билан/ ҚҚС
сиз.

4.3. Мазкур шартнома нархи/абонент тўлови оширилган тақдирда, пул миклдори томонлар имзоланган мазкур шартномага қўшимча қилишув/счёт-фактура асосида тўлов амалга оширилади.

4.4. Абонент 100 (юз) фоиз хизмат тўловини тўлов шарти билан ҳар ой келаси ой ҳисоб даври(ҳисобот даври)га қадар олдиндан тўловни, кўрсатилган хизматлар учун танлаб олинган тарифлар ҳажми/тариф режасига мувофиқ, пул маблағларини мазкур шартноманинг 7-пунктида белгиланган оператор шахсий ҳисобига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

4.5. Биринчи ой хизматлардан фойдаланганлик учун абонент тўловини амалга ошириш мазкур шартнома имзоланганидан кейин 7 (етти) календарь кунни мобайнида амалга оширилади. Биринчи абонент тўловининг киритилиши билан маблагдан ойнинг қолган кунларига қадар ҳисоб ечиб олинади. Олдиндан аванс тўлов шартнома асосида тегишли иловага мувофиқ, танлаб олинган хизмат тури учун ҳар бир ойда олдиндан тўлов ҳисоби асосида амалга оширилиши мумкин.

4.6. Агар абонент ҳисоб рақамида хизмат кўрсатилиши учун маблаг етарли бўлмаса, оператор мазкур шартномага мувофиқ Хизмат кўрсатади. Оператор томонидан уланган хизматдан фойдаланилмаганлик ва хизмат тўхтатилганлиги абонентнинг улар учун тўловдан озод этилишига асос бўлмайди.

4.7. Абонентга оператордан реклама акциялари даврида тақдим этиладиган бонус кўринишида қўшилган барча маблаг фақат оператор хизматларига тўловлар сифатида сарфланиши мумкин ва шартнома бекор қилинганда абонентга пул шаклида тақдим этилмайди.

4.8. Тақдим этилган хизматлар мазкур шартномага ҳавола билан ҳар бир тақдим этилган хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилган счёт-фактуралар билан ёпилади. Мазкур шартномада кўрсатилган илова 3.1.-пунктига мувофиқ, ҳар бир календарь ойи учун алоҳида счёт-фактурада тақдим этилган хизматнинг муайян тури маблаг ҳажми миклдори кўрсатилади. Агар 5 (беш) иш кунни мобайнида абонент ўз эътирозларини ёзма шаклда ёки факс бўйича тақдим этмаса, мазкур хизмат тури бўйича счёт-фактура у томонидан қабул қилинган ва хизматлар тўғри кўрсатилган бўлиб ҳисобланади.

